# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРИЗМ САНОАТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Комолов Садириддин Хайриддинович**
Фан ва технологиялар университети,
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси
***https://doi.org/10.5281/zenodo.15269559***

***Аннотация***. *Ушбу мақолада туризм соҳасида инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг аҳамияти, уларни амалга ошириш механизмлари ҳамда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги таҳлил қилинган. Амалий мисоллар ва жадваллар орқали инновацион ёндашувларнинг туризм ривожига таъсири кўрсатилган.*

***Калит сўзлар***: *VR экскурсиялар, “My Uzbekistan” мобил илова, Smart City лойиҳаси, Туризм стартаплари, Робот-гидлар, Когнитив технологиялар.*

***Аннотация***: *В статье анализируется важность внедрения инновационных проектов в сфере туризма, механизмы их реализации, а также их экономическая и социальная эффективность. Влияние инновационных подходов на развитие туризма показано на практических примерах и таблицах.*

***Ключевые слова***: *VR-туры, Мобильное приложение “My Uzbekistan”, Проект “Умный город”, Туристические стартапы, Роботы-гиды, Когнитивные технологии.*

***Annotation***: *The article analyzes the importance of implementing innovative projects in the field of tourism, the mechanisms for their implementation, as well as their economic and social efficiency. The impact of innovative approaches on tourism development is shown in practical examples and tables.*

***Keywords***: *VR tours, “My Uzbekistan” mobile application, Smart City project, Tourism startups, Robot guides, Cognitive technologies.*

**Кириш.** Глобализация жараёнлари, рақамли технологиялар ривожи ва истеъмолчилар эҳтиёжларининг ўзгариши туризм соҳасида ҳам янги инновацион ечимларни талаб этмоқда. Бугунги кунда инновацион лойиҳалар туризмда рақобатбардошликни ошириш, туристлар оқимини кўпайтириш ва хизмат сифатини яхшилашнинг муҳим омилига айланди.

Хозирги кунда туризм иқтисодиётнинг энг сердаромад ва тез ривожланаётган соҳаларидан бирига айланди. Айниқса, рақобат муҳити кучайган даврда давлатлар ва бизнес субъектлари туристларни жалб қилишда янги, креатив ечимлар ишлаб чиқишга мажбур бўлишмоқда. Ана шундай ечимлар ичида **инновацион лойиҳалар** муҳим ўрин тутади. Улар нафақат туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг сифатини оширади, балки уларни бозорда ажралиб туришини ҳам таъминлайди.

XXI аср туризм соҳаси учун рақамли инқилоб даврига айланди. Бугунги кунда ҳар бир давлат туризмни миллий иқтисодиётнинг драйверига айлантириш учун инновацион ёндашувлардан фойдаланмоқда. Туристлар эндиликда юқори сифат, тезкорлик, қулайлик ва хавфсизликни таъминловчи рақамли хизматларга талаб қиладилар. Бу эса туризмда инновацион лойиҳаларни жорий этишни давр талабига айлантирди.

2023-йил 29-март куни президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган мамлакатимиз туризмини ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги таъкидланиб бу борада амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари маърузасида туризм соҳасини ривожлантиришда янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, инфратузилмани ривожлантириш масалалари, тизимининг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда соҳани ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтди [1].

**Инновация** – бу янгилик, яъни технологик, ташкилий ёки ижтимоий янги ечим бўлиб, у мавжуд тизимни яхшилайди ёки янгидан барпо этади. Туризм соҳасида инновациялар нафақат хизмат сифатини оширади, балки янги бозорларга чиқиш, туризмни йил бўйи фаол ишлашини таъминлаш ва минтақалардаги иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Инновация лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири – корхона юқори сифатга эга бўлган керакли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш лаёқатига эга эканлигини рақобатчиларга исботлашдан иборат.

“Инновацион лойиҳа” тушунчаси бир қанча нуқтаи назардан қаралиши мумкин:

– инновацион мақсадларга эришишга хизмат қиладиган тадбирлар йиғиндиси сифатида;

– инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёни сифатида;

– ушбу тадбирларни асословчи ва баён қилувчи ҳужжатлар пакети сифатида.

Ушбу уч жиҳатлар инновацион лойиҳанинг инновацион фаолиятини ташкил қилиш ва мақсадли бошқариш шакллари сифатидаги аҳамиятини кўрсатади. Шундай қилиб, инновацион лойиҳа – бу ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро бир-бирини асослайдиган ҳамда ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган, илм-фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларида муайян мақсадлар (вазифалар)га эришишга қаратилган жараёнларнинг мураккаб тизимидир. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун уларни молиявий асослаш ва инвестициялаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда лойиҳавий молиялаштириш жараёнлари нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятларга эга инновацион лойиҳаларни фарқлаш керак:

а) инвестицион лойиҳалар, масалан, янги саноат объектлари қурилишига (энергетика, транспорт, алоқа ва ҳ.к.) йирик капитал қўйилмалар;

б) илмий-техник (инновацион) – илғор технологиялар, янгиликлар, маҳсулотлар ва хизматлар.

Ушбу икки хил лойиҳа ўртасида муҳим фарқлар мавжуд:

1. Саноат объектларига капитал қўйилмалар ҳақидаги мавжуд молиявий ахборот, ҳаттоки энг оддий илмий-техник лойиҳаларга қараганда, айниқса, уларнинг эрта босқичларида, ишончлироқдир;

2. Инновацион илмий-техник лойиҳалар мавҳумликнинг юқори даражасига эга эканлиги билан фарқ қилиб, улар шундай афзалликка эгаки, улар ишланманинг эрта босқичидаёқ катта бўлмаган молиявий йўқотишлар билан тўхтатиб қўйилиши мумкин;

3. Илмий-техник лойиҳаларда ахборот инвестициявий лойиҳаларга қараганда кўпроқ чекланганлиги ва мос эмаслиги билан фарқ қилади. Бу эса мустақил экспертларнинг лойиҳаларини баҳолаш бўйича фикрларини корреляциялашни ниҳоятда қийинлаштиради;

4. Инновацион лойиҳалар кўп мезонлилиги ва юқори даражали мавҳумлилиги билангина фарқ қилмасдан, балки сифатли баҳолаш бўйича ҳам фарқланади [2].

Туризмда инновацияларнинг жадал ривожланиши 1972 йилда “United States Luggage” компанияси ходими Бернард Дэвид Садоу томонидан ғилдиракли жомадонлар ихтироси учун патент олиниши билан бошланган ва соҳанинг буткул электронлашуви ҳамда унда сунъий интеллект иштироки фаоллашуви билан давом этаяпти. 40 йилча аввал оғир юклар сабаб ўртага чиққан инновация ва бугунги кашфиётлар моҳиятан бир негизга эга, яъни ҳар қандай инновация муаммо ва унинг ечимини излашга алоқадор бўлади. Бугуннинг энг катта муаммоси – инсонларнинг ниҳоятда қулай ҳаётга интилиши ва доимо бунга халақит берувчи омиллар келиб чиқаверишидир. Масалан, Ер сайёраси аҳолиси кўпайиши, турли соҳалардаги мураккаб ривожланишлар “Big Data” – “улкан ахборотлар” масаласини вужудга келтирди. Меҳмонхоналар, аэропортлар ёки туризм бизнесининг бошқа субъектлари бир неча юзлаб, балки минглаб мижозларнинг ахборотларини таҳлил қилиши, уларга самарали хизмат кўрсатиши керак.Ундан ташқари, бу бизнеслар ўз ходимлари ва ҳамкорлари билан боғлиқ ахборотлар оқимини бошқариши ҳам керак.

Шу туфайли, соҳанинг кўп тармоқларида автоматлаштириш жараёнлари кечмоқда. Инсонлар амалга ошириши қийин бўлган ишларни компьютерлар, роботика ва сунъий онг бажариши бизнинг давримизга келиб одатий ҳолга айланмоқда. Бунга меҳмонхоналарни автоматлашган тарзда бошқариш имкониятини берувчи Opera, Amadeos, Fidelio, Epitome PMS ва бошқа шу каби дастурларнинг ривожлангани мисол бўлади. [3].

1. Туризмда инновация тушунчаси ва унинг аҳамияти. Инновация - бу янги ғоялар, технологиялар ва ечимларни амалга ошириш орқали мавжуд жараёнларни яхшилаш ёки янгидан яратишдир. Туризм соҳасида инновациялар қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

-Рақамли платформа ва мобил иловалар;

-Эко-туризм ва “яшил технологиялар”;

-Ақлли туризм (Smart Tourism);

-Виртуал ва қўшилган реаллик (VR/AR);

-Блокчейн технологияларини жорий этиш.

2. Инновацион лойиҳаларнинг таснифи ва уларнинг таъсир даражаси.

**Жадвал 1.**

**Туризмда инновацион лойиҳалар турлари ва уларнинг таъсири**

| № | Лойиҳа тури | Таъсир соҳаси | Қисқача шарҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | Виртуал реаллик (VR) | Саёҳатдан олдин танишиш | Туристларнинг қизиқишини оширади, қарор қабул қилишни осонлаштиради |
| 2 | Мобил иловалар | Навигация, бронлаш, рейтинг | Автоматлаштирилган хизматлар, реал вақтда маълумот |
| 3 | Блокчейн технологияси | Тўлов, бронлаш, хавфсизлик | Очиқ, шаффоф ва хавфсиз тўлов тизими |
| 4 | “Яшил” меҳмонхоналар | Эко-туризм, энергия тежамкорлик | Табиат муҳофазаси, экологик туризм ривожи |

| № | Лойиҳа тури | Таъсир соҳаси | Қисқача шарҳ |
|---|---|---|---|
| 5 | Ақлли шаҳарлар (Smart City) | Транспорт, харита, хавфсизлик | Туристлар учун қулай муҳит, ахборотга осон кириш |
| 6 | QR-кодли экскурсиялар | Маданий ва тарихий мерос | Автоном экскурсия, аудио ва видео маълумот |
| 7 | IOT ва Big Data | Ишлаб чиқариш, маркетинг, хизмат сифати | Меҳмон талабини таҳлил қилиш ва хизматларни персоналлаштириш |

**3. Жаҳон тажрибасида инновацион туризм.**

**Сингапур:**

**- Smart Tourism** стратегияси доирасида Wi-Fi билан жиҳозланган жамоат жойлари, QR-кодли гидлар ва маълумот дисплейлари.

- Меҳмонхоналарда IoT воситасида индивидуал хизмат кўрсатиш (масалан, ақлли хоналар, автоматик кондиционерлар).

**Испания (Барселона):**

**-**VR ва AR асосида тарихий жойларнинг виртуал саёҳати;

-Туристлар оқимини бошқариш учун Big Data таҳлили.

**Япония (Киото):**

**-** Робот-гидлар, мобил иловалар орқали интерактив экскурсиялар;.

- Когнитив технологиялар орқали персоналлашган маршрутлар.

4. Ўзбекистонда инновацион лойиҳаларни жорий этиш ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан инновацион йўналишда қуйидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда:

1. VR экскурсиялар - Бухоро ва Самарқанддаги маданий мерос объектларининг виртуал кўринишлари.

2. “MyUzbekistan” мобил илова - сайёҳлар учун харита, маршрут, меҳмонхона бронлаш ва онлайн қўлланма хизматлари.

3. Smart City лойиҳаси- Самарқанд шаҳрида амалга оширилиб, ақлли транспорт, Wi-Fi зоналар ва рақамли дисплейлар ташкил қилинган.

4. Туризм стартаплари - ёшлар ўртасида “Tourism Startup Week” лойиҳаси орқали инновацион ғоялар танловлари.

5. Мавжуд муаммолар ва тўсиқлар:

-Молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги - Инновация талаб қиладиган сармояни хусусий сектор тўлиқ таъминлай олмаяпти.

-Кадрлар етишмаслиги - IT соҳасида туризм мутахассислари кам.

-Технологик инфратузилма заифлиги - Айрим туристик ҳудудларда интернет ва рақамли хизматлар етарли эмас.

-Туристларнинг рақамли саводхонлиги пастлиги - Айниқса маҳаллий туристлар орасида.

6. Тавсиялар.

**Жадвал 2.**

**Масалалар ва ечимлар**

| **Муаммо** | **Ечимлар** |
|---|---|
| Молиялаштириш | Давлат-хусусий шериклик (PPP), халқаро грантлар |
| Мутахассислар етишмаслиги | Ихтисослашган университетларда туризм ва IT йўналишлари |
| Инфратузилманинг сустлиги | “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига интеграция |
| Туристларга маълумот етишмовчилиги | Ягона туристик платформа ва chatbot хизматлари |

Хулоса

Туризмда инновацион лойиҳалар нафақат хизматлар сифатини ошириш, балки иқтисодиётга қўшимча қиймат яратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бу йўналишда илк қадамлар ташланган бўлса-да, тўлиқ рақобатбардош экотизимни яратиш учун янада комплекс ёндашув, кадрлар тайёрлаш ва инфратузилмани такомиллаштириш талаб этилади. Инновация - бу нафақат янгилик, балки туризмнинг келажаги.

**Фойдаланилган адабиётлар ро‘йхати:**

1. 2023-йил 29-март куни президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган мамлакатимиз туризмини ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши https://diyor24.uz/32795.
2. Г.А. Саидова, ТДТУ “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси, Ш.С. Атаханова, ТДТУ “Менежмент” кафедраси ассистенти. “Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари” “Иқтисодиѐт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, июль, 2012 йил.
3. Саидазиз Аъзамов. “Туризмда инновациялар: соҳа тараққиёти ва кадрлар масаласи” https://ictnews.uz/uz/19/10/2017/tourism-3/.